

ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

2022 йил «17» октябр

10/1-сон

Конимек тумани

Кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталадиган «ВЕК ASAD» масъулияти чекланган жамияти номидан **Б.Санакулова** (устав/ишончнома/буйрук ва х.к.) орқали бир томондан, кейинги ўринларда "Сотиб оловчичи" деб аталадиган **Конимек тумани ҳокимлиги** номидан **Рузиев Р.Н.** иккинчи томондан қуидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан белгиланган товар махсулотларини етказиб беради.

"Буюртмачи" эса ушбу махсулотларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

1.2. Товар "Бажарувчи"нинг мулки ҳисобланади, у гаровга қўйилмаган ва учунчи шахснинг даъволаридан холидир.

1.3. "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" учун Шартнома иловаси хар сафар махсулот олингандан тақдим этилади.

(Товарнинг номи, маркаси, артикули)

Т/р	Товар номи	Ўлчов бирлиги	Хажми (микдори)	Нархи (ҚҚС билан)	Умумий суммаси
1	Витрина холодильная AVANGARD	дона	I	7 650 000	7 650 000
	ЖАМИ	X	X	X	7 650 000

Суммаси **7 650 000 (Етти миллион олти юз эллик минг)** сўм

(Кейинги ўринларда "Товар" деб юритилади) ва унга оид хужжатларни "Буюртмачи"га мулк қилиб топширади, "Буюртмачи" эса мазкур шартнома шартлари асосида мазкур товарни қабул қиласи ва тўлайди.

II. Тарафларнинг мажбуриятлари

"Бажарувчи"нинг мажбуриятлари:

2.1. Товарни ва унга оид хужжатларни ушбу шартнома асосида "Буюртмачи"га топшириш.

2.2. Агарда шартнома шартларига мувофиқ деб топилса, товарни ташиб бериш.

"Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.3. Товарни 5 кун муддатда куздан кечириш. Товарни мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, "Буюртмачи" шу муддаида "Бажарувчи"га аниқланган номувофиқлик хақида маълумотларни акс эътирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

2.4. Шартномада белгиланган нархларда товар хақини тўлайди.

III. Шартнома суммаси ва хисобкитоб тартиби

3.1. Мазкур шартнома суммаси **7 650 000 (Етти миллион олти юз эллик минг)** сўм сумни ташкил этиб, товарнинг ҳар бирлиги учун ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича хисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% мабдағни тўлаш ва товар қабул қилинган пайтдан бошлаб 15 кун ичida қолган қисмини тўлаш йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Бажарувчи"нинг айби билан "Буюртмачи" товарни кўздан кечириш имкониятига эга булмаган тақдирда, у товани ҳақини тўоашни кечиктиршга ҳақли.

IV. Товарни топшириш

4.1. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар сотув жоёидан топширилади.

4.2. Товарни тасодифан нобуд бўлиши ёки тасодифан шикастланиши хавфи товар топширилган пайтдан бошлаб "Буюртмачи"га ўтади.

4.3. Товарни топширгандан бошлаб келишилган муддатга қадар "Бажарувчи" сифатига кафолат беради ва алмаштиришни ўз зиммасига олади.

4.4. "Буюртмачи" товар маҳсулотларини қабул қилиб олишда товарларни тўлиқ эмаслиги, сифарсизлиги аниқланган тақдирда ушбу маҳсулотларни қабул қилиб олмаслик хуқуқига эга.

V. Шартнома бажариш муддати

5.1 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати 31 декабр 2022 йилгача этиб белгиланади.

VI. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айборд тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 0,5 % миқдорда жарима тўлайди.

6.2. Тўловни кечиктирганлиги учун "Буюртмачи" хар кечиктирган кунга тўловни кечиктирилган сумманинг 0,5 % миқдорда, лекин ушбу сумманинг 50% дан ошмаган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3. Бокимандани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришданозод қилмайди.

6.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаг Қонун хужжатларига мувофиқ белгиланади.

VII. Низоларни ҳал қилиш

7.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида шартнома шартларида ва қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

7.2. Товарнинг кафолат муддати 3 (уч) йил. Кафолат муддати товар сотиб оловчига топширилган пайтдан, товар алмаштирилганда эса янгидан ўта бошлайди.

7.3. Агар товардан фойдаланилмаган, унинг истеъмол хусусиятлари сақланган бўлса ва сотувчидан сотиб олинганинг исботи бўлса, сотиб оловчининг товарни алмаштириш ёки қайтариб олиш ҳақидаги талаби қаноатлантирилади.

7.4. Сотиб оловчига ўзига товар топширилган пайтдан бошлаб ўн кун мобайнида харид қилинган тегишли сифатли товарни харид жойида ўлчами, шакли, ҳажми, андозаси, ранги, тўплами бошқача бўлган худди шундай товарга алмаштириши мумкин. Бунда у нархларда фарқ бўлган тақдирда сотувчи билан зарур ҳисоб-китобни амалга оширади. Агарда сотувчидан алмаштириш учун зарур товар бўлмаганида сотиб оловчига харид қилинган товарни сотувчига қайтариб бериш ва унга тўланган пул суммасини олиш хуқуқига эга.

7.5. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, уларнинг хар бири бир хил кучга эга.

VIII. Форс Мажор ва Жавобгарликдан озод этиш

8.1. Сотувчининг хуқуқлари:

- сотилган товар ҳақини тўлашни;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олишни;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни;
- сотиб оловчига томонидан ўзига етказилган заарларнинг қопланишини талаб қилиш.

8.2. Сотувчининг мажбуриятлари:

- сотиб оловчига талаб қилган ҳолларда товар тўғрисида унга зарур ва тўғри ахборотни қонун хужжатларида белгиланган ёки чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда бериш;
- товарни сотиб оловчига мулк қилиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топшириш;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топшириш;

- учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топшириш;
- товарни шартномада кўрсатилган ассортиментда топшириш;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топшириш;
- шартномада кўрсатилган бут товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки ўралган ҳолда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга қадар сақлаш.

8.3. Сотиб олувчининг ҳуқуқлари:

- товар тўғрисида зарур ва тўғри ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган ёки чакана савдода қўйиладиган талабларга мувофиқ ҳолда беришни;
- шартнома тузилгунга қадар товарни кўздан кечириш, ўз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан қандай фойдаланишини кўрсатишни;
- сотиб олаётган товарни ўзига мулк қилиб топширишни;
- шартномада кўрсатилган миқдордаги товарни топширишни;
- шартномада кўрсатилган сифатдаги товарни топширишни;
- учинчи шахсларнинг ҳуқуқларидан ҳоли бўлган товарни топширишни;
- товарни шартномада кўрсатилган ассортиментда топширишни;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли ҳужжатлари билан бирга топширишни талаб қилиш.

8.4. Сотиб олувчининг маъжбуриятлари:

- сотиб олган товар ҳақини ўз вақтида тўлаш;
- товарни ўз вақтида қабул қилиб олиш;
- шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни қоплаш;
- сотувчи томонидан товарни сақлаш учун қилинган зарур ҳаражатларни тўлаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва ўралиши тўғрисидаги шартлари бузилганилиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичида маълум қилиши шарт.

IX. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313-сонли Фармонининг З-қисм в) бандига мувофик:

- ҳар бир томон, шу жумладан барча ходимлар, вакиллар, шунингдек улар томонидан жалб қилинган ёки улар номидан иш олиб борадиган бошқа шахслар, бошқа томонга, унинг ходимларига, вакилларига, потенциал ёки мавжуд мижозларга ва ҳар қандай тегишли Ҳамкорларига, шунингдек, бошқа томон томонидан жалб қилинган ёки унинг номидан иш юритадиган бошқа шахсларга (“Иштирокчи Томонлар”) моддий/номоддий рафбатлантириш, манфаат, тақдирлаш, таклифлар (шу жумладан, чекланмаган ҳолда, ҳар қандай тўлов шакли, совғалар ва бошқа мулкий имтиёзлар, мукофотлар ва манфаат (пул ёки ҳар қандай қиймат кўринишида)) бермасликни яъни, молиявий мукофот, мулк, мулк ҳукуқини таклиф қилмасликни, бермасликни кафолатлайди ва шунга мажбур.

X. Бошқа шартлар

10.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кўра сотиш жойида дарҳол товар тўғрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни кўздан кечириш, товарнинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланишини кўрсатишни талаб қилиш ҳукуки таъминланмаган бўлса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли ўзи кўрган зарарни тўлашни сотувчидан талаб қилишга, агар шартнома тузилган бўлса, оқилона муддатда шартномани бажаришдан бош тортишга, товар учун тўланган суммани қайташни ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Сотиб олувчига товар тўғрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сўнг товарда пайдо бўлган камчиликлар учун хам,

агар сотиб олувчи бу камчиликлар ўзида бундай ахборот бўлмагани сабабли пайдо бўлганини исботласа, жавобгар бўлади.

10.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва ўрамаган ҳолда ёки тегишли идишга жойламаган ва тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва ўрашни алмаштиришни талаб килиш ёки бу талабларни қўйиш ўрнига ушбу шартноманинг 3.3-банди биринчи қисмидаги талабларни қўйишга ҳақли.

10.3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 434-моддасига кўра сотиб олувчига сифати тегишли даражада бўлмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум қилинмаган бўлса, сотиб олувчи ўз хоҳишига кўра:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча кайта ҳисоблаган ҳолда бошқа маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада бўлган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахс томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун қилинган харажатлар қопланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни;

кўрилган зарар ўринини коплаган ҳолда шартнома бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқукига эга.

Товар учун тўланган пул суммасини сотиб олувчига қайтариш вақтда сотувчи ундан товардан тўлиқ ёки қисман фойдаланганлиги, товар қўриниши ёъқолганлиги ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолатлар туфайли товар қиймати қанча пасайган бўлса, шунча суммани ушлаб қолишга ҳақли эмас.

10.4. Сотувчи шартнома бўйича мажбуриятни бажармаган тақдирда, заарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод килмайди.

10.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар миқдори, ассортименти, сифати, бутлиги, идиши ва ўрагида тўғрисидаги шартлари бузилганлиги ҳақида сотувчига ўн кун муддат ичida маълум қилмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чиқадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

10.6. Сотувчи форс-мажор ҳолатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тўқсинглик қилувчи енгиб бўлмас куч таъсири: электр ўчиши натижасида юзага келадиган куйиш, товар етказилаётган пайтда содир бўлган тасодифий шикастланиш, ёнғин чиқиши, сув тегиши натижасида бузилиши ва бошқа ҳолатлар) натижасида юзага келадиган оқибатлар учун жавобгар бўлмайди.

Тарафларнинг реквизитлари

“Ижрочи”

«ВЕК ASAD» МЧЖ

(мол этказиб берувчининг номи)

Манзил: Конимех тумани, Гулистон

МФЙ, Курама кўчаси

Тел./факс 94 223-19-91

х/р: 20208000200959140001

Банк номи: КОНИМЕХ Т.,

“АГРОБАНК” АТБ КОНИМЕХ

ФИЛИАЛИ

СТИР 305894467

МФО 00209

Рахбар:

Б.Санакулова



“Буюртмачи”

“Конимех тумани ҳокимлиги Ёшлар жамғармаси”

Манзил: Конимех тумани, Абай кўчаси,
12 уй

Тел./факс 79-512-24-30

х/р: 305022860122117109601018001

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш.

ХККМ

СТИР 200012865

ОКОНХ



Рахбар: Рузиев Р.Н.

юрист: Гиул